

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТЎКИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИ**

**«ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ДИЗАЙНИ»
КАФЕДРАСИ**

**«ЎҚУВ УСТАХОНАСИ» ФАНИДАН ЛАБОРАТОРИЯ
ИШЛАРИНИ**

БАЖАРИШ УЧУН УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

**5540600- «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси»
йўналиши бакалаврлари учун**

ТОШКЕНТ-2006

Аннотация

Услубий кўрсатмаларда «Ўқув устахонаси» фани бўйича лаборатория ишларини бажариш кетма-кетлиги келтирилган.

«Ўқув устахонаси» фани тикув буюмлари ишлаб чиқариш технологик жараёнининг дастлабки босқичларини ўрганишга имкон беради.

Кундузги ва сиртқи бўлим талабалари учун қўлланмада лаборатория ишлари мавзулари, мазмуни, ҳисобот тайёрлашга қўйиладиган талаблар, ҳамда бажарилган иш бўйича ҳисобот намунаси келтирилган.

Тузувчилар:

«Тикув буюмлари технологияси ва
дизайни» кафедраси ассистенти,
т.ф.н. Бабаджанова М.А.
асс. Алимухамедова Б.Г.
асс. Мансурова М.А.

Тақризчилар:

«Тикув буюмлари технологияси ва
дизайни» кафедраси доценти,
т.ф.н. Нигматова Ф.У.

Услубий кўрсатма «ЕСМТД» кафедрасининг йиғилишида муҳокама қилинган.

Баённома №__22__ «__10__» ____05____2006й.

Услубий кўрсатма ТТЕСИ илмий-услубий кенгашининг йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Баённома №__8__ «__9__» ____06____2006й.

ТТЕСИ босмахонасида _____ нусхада кўпайтирилган.

Умумий услубий кўрсатмалар

Мазкур услубий кўрсатмада тикув буюмлари ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганиш, шу жумладан бичишни ўрганиш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш, тикиш технологияси ва буюмга техник ҳужжатлар тузиш тартибини ўрганишни кўзда тутилган.

«Ўқув устахонаси» фани бўйича лаборатория машғулотида назария ва амалиёт ўртасидаги боғловчи звено ҳисобланади. Бу фан бўйича машғулотлар «Технологияга кириш» ва «ТБТ» курслари ўртасида ўтилади ва талабаларга тикиш бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилишларига ёрдам беради. Лаборатория ишлари мазмуни ўқув дастури асосида тузилади.

«Ўқув устахонаси» фани дастурида 4та буюм тикиш кўзда тутилган: юбка, шим, кўйлак, блузка ёки сорочкалар.

Лаборатория ишларини бажариш учун мода журналларидан модель танланади; танланган моделга асосан, асосий ва ёрдамчи материаллар танланади.

Буюм андоза деталларини (керакли ўлчамда) калька ёрдамида журнал иловасидан кўчирилади.

Андоза деталларини матога журнал кўрсатмасига кўра тўшалади.

Бичиш жараёни лаборатория машғулотига бажарилади. Яланг қават тўшаб бичилганда андозаларни тўлик комплекти, букиб тўшалганда эса, ярим комплекти ишлатилади.

Бичиш жараёнидан сўнг буюмни кийиб кўришга тайёрланади. Бунда кийим конструкцияси аниқланади, зарурат бўлса ўзгартиришлар киритилади, чунки андозалар типик қомат учун ишлаб чиқилган. Буюм қоматга мос келган ҳолда талаба тикишни бошлайди. Бу жараёни амалга ошириш учун кафедра лабораторияси универсал ва махсус машиналари билан таъминланган.

Буюм тайёр бўлгандан сўнг, талаба техник ҳужжатларни ишлаб чиқади, яъни бажарилган иш бўйича ҳисобот тайёрлайди.

Лаборатория ишларини бажариш режаси

№		1-лаборатория иши мавзуси	соат миқдори
1.	1. 2. 3. 4. 5. 6.	Юбка моделини танлаш Юбкани газламага тўшаш ва бичиш Буюмни кийиб кўришга тайёрлаш Буюмни тикиш Буюмни якуний пардозлаб, намлаб иситиб ишлов бериш Ҳисоботга тайёрлаш ва топшириш	2 2 2 4 1 2
		2- лаборатория иши мавзуси	соат миқдори
2.	1. 2. 3. 4. 5. 6.	Шим моделини танлаш Шимни газламага тўшаш ва бичиш Буюмни кийиб кўришга тайёрлаш Буюмни тикиш Буюмни якуний пардозлаб, намлаб иситиб ишлов бериш Ҳисоботга тайёрлаш ва топшириш	2 2 2 4 1 2
		3- лаборатория иши мавзуси	соат миқдори
3.	1. 2. 3. 4. 5. 6.	Аёллар кўйлаги моделини танлаш Кўйлакни газламага тўшаш ва бичиш Кийиб кўришга тайёрлаш Буюмни тикиш Буюмни якуний пардозлаб, намлаб иситиб ишлов бериш Ҳисоботга тайёрлаш ва топшириш	2 2 2 6 1 2
		4- лаборатория иши мавзуси	соат миқдори
4	1. 2. 3. 4. 5. 6.	Блузка ёки сорочка моделини танлаш Блузкани газламага тўшаш ва бичиш Кийиб кўришга тайёрлаш Буюмни тикиш Буюмни якуний пардозлаб, намлаб иситиб ишлов бериш Ҳисоботга тайёрлаш ва топшириш	2 2 2 4 1 2

Лаборатория иши №1

Мавзу: Юбкага ишлов бериш.

Ишдан мақсад: Юбкани бичиш технологияси, тикиш ва технологик кетма-кетлик тузишни ўрганиш.

Ишни бажариш учун топшириқ

1. Мода журналларини ўрганган ҳолда, юбка моделлари билан танишиш.
2. Тикиш учун юбка моделини танлаш.
3. Материал танлаш, андозани тўшаш ва буюмни бичиш.
4. Буюмни кийиб кўришга тайёрлаш, конструкциясини аниқлаш, камчиликларини тўғирлаш.
5. Буюмни тайёрлаш.
6. Бажарилган иш бўйича ҳисобот тайёрлаш.

Кўргазмалар курашлари:

1. Буюмга узеллар бўйича ишлов бериш плакатлари.
2. Машина чоклари, асосий узелга ишлов бериш намуналари келтирилган альбомлар.

Асбоб-ускуна ва қўлланмалар.

1022-синф универсал машиналар, йўрмалаш махсус машиналари, қайчи, ўлчов асбоблари, ип, игна ва ҳоказо.

Адабиётлар:

1. А.Т.Труханова. «Технология изготовления женской и детской легкой одежды» М, «Высшая школа» 2005г.
2. П.П.Кокеткин. Справочник, Одежда. М, «Легпромиздат» 2000г.
3. Л.Ф.Першина «Технология швейных изделий» М, «Легпромиздат» 1991г.
4. «Технологияга кириш» фанидан лаборатория ишлари тўплами 2005г.
5. Мода журналлари.

Текшириш учун саволлар:

1. Буюмнинг асосий деталлари қирқимларини номланг.
2. Буюм тикишда қайси чоклар қўлланилади?
3. Берилган кийим учун чок ҳақи қандай тавсия қилинади?
4. Юбкалар конструкциясини айтинг.
5. Юбканинг белбоғ қирқимига ишлов бериш усуллари айтинг.
6. Юбка этагини букиш кенглиги қанча?
7. Юбка тақилмасига ишлов бериш усуллари айтинг.
8. Елимли қотирма материаллар нима учун қўлланилади?
9. Детал қирқимлари ва четларини чўзилиш ва тўкилишдан сақлаш учун нима қилиш керак?

Лаборатория иши №2

Мавзу: Шимга ишлов бериш.

Ишдан мақсад: Шимни бичиш технологияси, тикиш ва технологик кетма-кетлик тузишни ўрганиш.

Ишни бажариш учун топшириқ

1. Мода журналларини ўрганган ҳолда, шим моделлари билан танишиш.
2. Тикиш учун шим моделини танлаш.
3. Материал танлаш, андозани тўшаш ва буюмни бичиш.
4. Буюмни кийиб кўришга тайёрлаш, конструкциясини аниқлаш, камчиликларини тўғирлаш.
5. Буюмни тайёрлаш.
6. Бажарилган иш бўйича ҳисобот тайёрлаш.

Кўргазмалар курашлари:

1. Буюмга узеллар бўйича ишлов бериш плакатлари.
2. Машина чоклари, асосий узелга ишлов бериш намуналари келтирилган альбомлар.

Асбоб-ускуна ва қўлланмалар.

1022-синф универсал машиналар, йўрмалаш махсус машиналари, қайчи, ўлчов асбоблари, ип, игна ва ҳоказо.

Адабиётлар:

1. А.Т.Труханова. «Технология изготовления женской и детской легкой одежды» М, «Высшая школа» 2005г.
2. П.П.Кокеткин. Справочник, Одежда. М, «Легпромиздат» 2000г.
3. Л.Ф.Першина «Технология швейных изделий» М, «Легпромиздат» 1991г.
4. «Технологияга кириш» фанидан лаборатория ишлари тўплами 2005г.
5. Мода журналлари.

Текшириш учун саволлар:

1. Буюмнинг асосий деталлари қирқимларини номланг.
2. Буюм тикишда қайси чоклар қўлланилади?
3. Берилган кийим учун чок ҳақи қандай тавсия қилинади?
4. Шим конструкцияларини айтинг.
5. Шимнинг почаси қирқимида ишлов бериш усуллари айтинг.
6. Почаси қирқимини букиш кенглиги қанча?
7. Шим гульфида қандай ишлов берилади?

Лаборатория иши №3

Мавзу: Аёллар кўйлагига ишлов бериш.

Ишдан мақсад: Кўйлакни бичиш технологияси, тикиш ва технологик кетма-кетлик тузишни ўрганиш.

Ишни бажариш учун топшириқ

1. Мода журналларини ўрганган ҳолда, аёллар кўйлаги моделлари билан танишиш.
2. Тикиш учун кўйлак моделини танлаш.
3. Материал танлаш, андозани тўшаш ва буюмни бичиш.
4. Буюмни кийиб кўришга тайёрлаш, конструкциясини аниқлаш, камчиликларини тўғирлаш.
5. Буюмни тайёрлаш.
6. Бажарилган иш бўйича ҳисобот тайёрлаш.

Кўргазмалар қуроллар:

1. Буюмга узеллар бўйича ишлов бериш плакатлари.
2. Машина чоклари, асосий узелга ишлов бериш намуналари келтирилган альбомлар.

Асбоб-ускуна ва қўлланмалар.

1022-синф универсал машиналар, йўрмалаш махсус машиналари, қайчи, ўлчов асбоблари, ип, игна ва ҳоказо.

Адабиётлар:

1. А.Т.Труханова. «Технология изготовления женской и детской легкой одежды» М, «Высшая школа» 2005г.
2. П.П.Кокеткин. Справочник, Одежда. М, «Легпромиздат» 2000г.
3. Л.Ф.Першина «Технология швейных изделий» М, «Легпромиздат» 1991г.
4. «Технологияга кириш» фанидан лаборатория ишлари тўплами 2005г.
5. Мода журналлари.

Текшириш учун саволлар:

1. Буюмнинг асосий деталлари қирқимларини номланг.
2. Буюм тикишда қайси чоклар қўлланилади?
3. Берилган кийим учун чок ҳақи қандай тавсия қилинади?
4. Аёллар кўйлаги конструкцияларини айтинг.
5. Аёллар кўйлагининг бортига ишлов бериш усулларини айтинг.
6. Аёллар кўйлаги этаги қирқимининг букиш кенглиги қанча?
7. Аёллар кўйлаги ёқасига ишлов бериш усулларини айтинг.

Лаборатория иши №4

Мавзу: Блузка ёки сорочкага ишлов бериш.

Ишдан мақсад: Блузка ёки сорочкани бичиш технологияси, тикиш ва технологик кетма-кетлик тузишни ўрганиш.

Ишни бажариш учун топшириқ

1. Мода журналларини ўрганган ҳолда, блузка ёки сорочка моделлари билан танишиш.
2. Тикиш учун блузка ёки сорочка моделини танлаш.
3. Материал танлаш, андозани тўшаш ва буюмни бичиш.
4. Буюмни кийиб кўришга тайёрлаш, конструкциясини аниқлаш, камчиликларини тўғирлаш.
5. Буюмни тайёрлаш.
6. Бажарилган иш бўйича ҳисобот тайёрлаш.

Кўргазмалар қуроллар:

1. Буюмга узеллар бўйича ишлов бериш плакатлари.
2. Машина чоклари, асосий узелга ишлов бериш намуналари келтирилган альбомлар.

Асбоб-ускуна ва қўлланмалар.

1022-синф универсал машиналар, йўрмалаш махсус машиналари, қайчи, ўлчов асбоблари, ип, игна ва ҳоказо.

Адабиётлар:

1. А.Т.Труханова. «Технология изготовления женской и детской легкой одежды» М, «Высшая школа» 2005г.
2. П.П.Кокеткин. Справочник, Одежда. М, «Легпромиздат» 2000г.
3. Л.Ф.Першина «Технология швейных изделий» М, «Легпромиздат» 1991г.
4. «Технологияга кириш» фанидан лаборатория ишлари тўплами 2005г.
5. Мода журналлари.

Текшириш учун саволлар:

1. Буюмнинг асосий деталлари қирқимларини номланг.
2. Буюм тикишда қайси чоклар қўлланилади?
3. Берилган кийим учун чок ҳақи қандай тавсия қилинади?
4. Блузка ёки сорочка конструкцияларини айтинг.
5. Блузка олд тақилмасига ишлов бериш усулларини айтинг.
6. Сорочка енг манжетига ишлов бериш усулларини айтинг.
7. Блузка ёқасига ишлов бериш усулларини айтинг.

Лаборатория ишларини бажариш бўйича ҳисоботга қуйиладиган талаблар

Лаборатория ишлари ҳисоботи берилган топшириққа асосан буюмга ишлов бериш бўйича тайёрланади. Ҳисобот кўйидаги бўлимлардан иборат:

1. Модель эскизи.
2. Кийимнинг ташқи кўриниши тавсифи.
3. Буюм бичиқ деталлари таснифи.
4. Матога андозани жойлаштириш
5. Буюмга ишлов бериш усуллари танлаш.
6. Буюмга ишлов бериш технологик жараёни кетма-кетлиги.

Модель эскизи рангли ифодаланади. Бунда олд ва орт кўринишлари кўрсатилади.

Бичиқ деталлари таснифи жадвал кўринишида; детал эскизи, кирқимлар

номи, андоза деталлари сонини кўрсатган ҳолда тузилади. Андоза деталларида танда ипни йўналиши, кертимлар, чўнтак чизиқлари, виточка,

тахламалар кўрсатилади.

Андозаларни жойлаштириш схемаси масштабда берилади.


Ишлов бериш усуллари танлаш жадвал шаклида, буюм тикишда қўлланадиган чоклар номи, эскиз ва параметрларини кўрсатилган ҳолда келтирилади.

Буюм тикиш технологик кетма-кетлигини тузиш ишнинг якунловчи боскичи ҳисобланади ва жадвал кўринишида тузилади, бунда тартиб рақами, бўлинмас операциялар номи, бўлинмас операцияларни бажаришнинг техник шарти, эскиз ва асбоб-ускунаси кўрсатилади.

Ҳисобот машғулот давомида А4 форматдаги қоғозга ёзилади.

Буюм тайёрлаш бўйича ҳисобот тузиш намунаси

1. Буюм номи: Аёллар юбкаси (аралаш матодан)
Ўлчами 170-96-102
Модель 107-В «Burda» 6/2004



2. Ташқи кўриниши тавсифи.

Аралаш матодан классик услубда тўғри бичимли, тиззадан пастрок узунликдаги юбка. Олд бўлак яхлит бичилган, бел виточкали. Орт бўлак бел виточкали ва ўрта чокли. Ўрта чокда кесим жойлашган, ҳамда молния тақилмаси бор. Юқори қирқим мағиз белбоғ билан ишланган.


3.Андоза деталлари таснифи.

№	Деталлар номи	эскиз	Қирқимлар номи	Бичиқ-лар сони
1	2	3	4	5
1.	Юбка олд бўлаги		1-2 юқори қирқим 2-3; 1-4 ён қирқимлар 3-4 этак қирқими	1
2.	Юбка орт бўлаги		1-2 юқори қирқим 2-ўрта қирқим 3-4 этак қирқими 4-1 ён қирқими	2
3.	Юбка олд бўлаги мағиз белбоғи		1-2 юқори қирқим 2-3; 1-4 ўрта қирқимлар 3-4 ички қирқим	1
4.	Орт бўлак мағиз белбоғи		1-2 юқори қирқим 2-3 ўрта қирқим 3-4 ички қирқим 1-4 ён қирқим	2




Қўшимча материаллар: молния тасмаси -18см узунликда
белбоғ учун қотирма материал

4. Юбка андоза деталларини матога жойлаштириш учун эни 1,5м букиб
тўшалади.





намуна:













5.Буюмга ишлов бериш усуллари танлаш.


№	Чок номи	Чок коди, схемаси, конструкцияси	Қўллаш соҳаси	1см чокда баҳялар сони	Асбоб- ускуналар
1	2	3	4	5	6
1.	бириктирма	 301	ён, ўрта қирқимларни бириктириш	4	1022кл
2.	ағдарма	301	юбка юқори қирқимига ишлов бериш	4	1022кл
3.	бостирма	 301	мағизни бостириб тикиш	4	1022кл
4.	Очиқ қирқимли буклама	 101	пастки қирқимни тикиш	4	85кл
5.	йўрмаш	 504	қирқимларни йўрмаш	4	51кл

6. Юбкага ишлов беришнинг технологик кетма-кетлиги

№	Операция кетма-кетлиги	Техник шарти	эскизи	Асбоб-ускуна
1	2	3	4	4
1.	Белбоғ мағизига елим қотирма улаш	елим қотирма мағиз тескари томонидан чок ҳақи ҳисобга олган ҳолда ёпиштирилади		дазмол
2.	Мағиз ён қирқимларини бириктириб тикиш	мағиз ён қирқимлари 1см кенгликдаги бириктирма чок билан ўнгини ўнгига қаратиб тикилади		1022кл
3.	Мағиз ён чокини ёриб дазмоллаш	чоклар ораси тўлиқ очилиб, ёриб дазмолланади		дазмол
4.	мағиз ички чокларини йўрмаш	ички қирқимлар махсус машинада йўрмаланади		51кл
5.	Виточка ўрнини белгилаш	юбка деталларида виточка ўрни андоза бўйига буюм тескари тарафидан белгиланади		андоза бўр
6.	Виточкаларни бириктириб тикиш	олд ва орт бўлакда белгиланган чизик бўйича юқори қирқимдан виточка учига		1022кл

		қаратиб тикилади, бурчакларда чок мустаҳкамланади		
7.	Виточкаларни ётқизиб дазмоллаш	виточкалар деталь ўртасига қаратиб ётқизиб дазмолланади		дазмол
8.	Юбка ён қирқимларини йўрмаш	олд ва орт бўлак ён қирқимлари махсус машинада йўрмаланади		51кл
9.	Орт булак ўрта қирқимини йўрмаш	ўрта қирқим махсус машинада йўрмаланади		51кл
10.	Ўрта қирқимни бириктириб тикиш	орт булак ўрта қирқимлари кертиккача, 1см кенгликдаги бириктирма чок билан тикилади		1022кл
11.	Орт билан ўрта чокини ёриб дазмоллаш	ўрта чокни чок ҳақи ораси ёриб дазмолланади		дазмол
12.	Молния тасмасини тикиш	молния тасмаси орт бўлак ўрта чокига кертимгача бостириб тикиш		1022кл
13.	Ён чокларини бириктириб тикиш	олд ва орт билан ён қирқимлари 1см бириктирма чок билан тикилади		1022кл
14.	Ён чокларни ёриб дазмоллаш	чок ҳақи ораси ёриб дазмолланади		дазмол

15.	Юқори қирқимга мағизни бириктириш	юбка юқори қирқими ағдарма чок билан 0,5-0,7см кенгликда, деталлар ўнгини ўнгига қаратиб тикилади		1022кл
16.	Мағизни бостириб тикиш	юбка юқори қирқимининг ағдарма чоки мағизга 0,1-0,2см кенгликда бостириб тикилади		1022кл
17.	Юқори қирқимни тўғирлаш ва дазмоллаш	юбка юқори қирқими асосий деталдан мағиз тарафга 0,1-0,2см кант ҳосил қилиб дазмолланади		дазмол
18.	Мағиз ички қирқимларини ён ва ўрта қирқимга мустаҳкамлаш	мағиз ички қирқимлари ён ва ўрта қирқимлар чок ҳақиқа кўл чоки билан тикиб, мустаҳкамланади		к
19.	Пастки қирқимларни йўрмалаш	юбка этаги қирқимлари махсус машинада йўрмаланади		51кл
20.	Юбка этагини тикиш	юбка пастки қирқими букиб яширин чок билан махсус машинада ёки кўлда тикилади		85кл

21.	Юбкани дазмоллаш	Тайёр юбкани дазмоллаш		дазмол
-----	---------------------	---------------------------	--	--------

Тикув буюмлари баҳя ва баҳяқаторларини кодлаш

Баҳя ва баҳяқатор	Шартли белги
Баҳя	
Мокили	301
Мокили зигзагсимон (баҳя кенглиги 5мм)	304
Бир ипли занжирли	101
Икки ипли занжирли	401
Икки ипли занжирли зигзагсимон	404
Икки ипли занжирли зигзагсимон (баҳя кенглиги 5 мм)	404
Икки ипли занжирли зигзагсимон (баҳя кенглиги 3 мм)	404
Икки ипли йўрмалаш	502 + 503
Уч ипли йўрмалаш	504+505
Тўрт ипли йўрмалаш	506
Тўрт ипли йўрмалаш	507
Уч ипли занжирли ясси	406
Тўрт ипли занжирли ясси	407
Тўрт ипли занжирли ясси бир қоплама ипли	602
Беш ипли занжирли ясси икки қоплама ипли	603
Олти ипли занжирли ясси икки қоплама ипли	604
Беш ипли занжирли ясси бир қоплама ипли	605
Тўққиз ипли занжирли ясси	606
Аралаш баҳяқаторлар	
Мокили ва икки ипли йўрмалаш	301+502
Мокили ва уч ипли йўрмалаш	301+504
Икки ипли занжирли ва икки ипли йўрмалаш	401+502
Икки ипли занжирли ва уч ипли йўрмалаш	401+504
Икки ипли занжирли ва тўрт ипли йўрмалаш	401+506

Таянч иборалар

Бичиқ,
авра,
астар,
қотирма,
андоза,
манжет,
қопқоқ,
листочка,
қоплама,
кесим,
кўтарма,
қайтарма,
қавиқ,
бахя,
кийим ўлчами,
кийим узунлиги,
бўй,
шакл,
силуэт,
борт,
тақилма,
этак,
қирқим,
мағиз,
олд бўлак,
орт бўлак,
узел,
эскиз,
танда ипи,
тахлама,
кертим,
виточка.

Адабиётлар

1. А.Т.Труханова. «Технология изготовления женской и детской легкой одежды» М, «Высшая школа» 2005г.
2. П.П.Кокеткин. Справочник, Одежда. М, «Легпромиздат» 2000г.
3. Л.Ф.Першина «Технология швейных изделий» М, «Легпромиздат» 1991г.
4. «Технологияга кириш» фанидан лаборатория ишлари тўплами 2005г.
5. Мода журналлари.
6. В. Ризер. Справочник по обработке швейных изделий. М. «Легкая индустрия» 1979
7. П.П.Кокеткин. Справочник, Промышленная технология одежды, М. «Легпромиздат» 1988г
8. М.Ш. Жабборова «Тикувчилик технологияси» Т, «Ўзбекистон» 1994й.

Мундарижа

Кириш

Умумий услубий кўрсатмалар

Лаборатория ишларини бажариш режаси

1-Лаборатория иши

Юбкага ишлов бериш.

2-Лаборатория иши

Шимга ишлов бериш

3-Лаборатория иши

Аёллар кўйлагига ишлов бериш

4-Лаборатория иши

Блузка ёки сорочкага ишлов бериш.

Лаборатория ишларини бажариш учун ҳисоботга
кўйиладиган талаблар

Буюм тайёрлаш бўйича ҳисобот тузиш намунаси

Таянч иборалар

Адабиётлар

